

Риёнинг оқибати



08:00 / 29.08.2020 2856

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қиёмат куни биринчи бўлиб ҳукм ҳисоб-китоб қилинадиганлар шаҳидлардир. Шаҳидни келтиришади, Аллоҳ таоло унга неъматларини эслатади. У тан олади. Аллоҳ ундан: «Булар эвазига нима қилдинг?» деб сўрайди. У «Сенинг йўлингда жанг қилиб, шаҳид бўлдим», дейди. «Ёлғон айтдинг! Сен одамлар «Фалончи – ботир» дейишлари учун жанг қилдинг. Улар шундай дейишди», дейди Аллоҳ таоло. Сўнг фаришталарга буюради, уни юзтубан судраб бориб, дўзахга улоқтиришади. Кейин илм ўрганган ва ўргатган, Қуръон ўқиган кишини келтиришади. Аллоҳ таоло унга неъматларини эслатади, у тан олади. У Зот «Булар эвазига нима қилдинг?» деб сўрайди. У: «Илмни ўргандим ва ўргатдим, Қуръон ўқидим», дейди. «Ёлғон айтдинг! Сен илмни одамлар олим дейиши учун ўргандинг, қори дейиши учун

Қуръон ўқидинг. Улар шундай дейишди», дейди Аллоҳ таоло. Сўнг фаришталарга буюради, уни юзтубан судраб бориб, дўзахга улоқтиришади. Кейин Аллоҳ ризқини кенг қилиб қўйган, турли-туман мол-дунё ато этган киши келтирилади. Аллоҳ таоло унга неъматларини эслатади, у тан олади. У Зот: «Булар эвазига нима қилдинг?» деб сўрайди. «Сен инфоқ-эхсон қилинишини яхши кўрган бирор йўлни қолдирмасдан Сен учун инфоқ қилдим», дейди бой. «Ёлғон айтдинг! Сен одамлар «Фалончи – сахий» дейиши учун шундай қилдинг. Улар шундай дейишди», дейди Аллоҳ таоло. Сўнг фаришталарга буюради, уни юзтубан судраб бориб, дўзахга улоқтиришади».

Имом Муслим, Насоий ва бошқалар ривоят қилишган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан